

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУЮК ПЁТР НОМИДАГИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ
ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

АСКАРОВ ЗОХИДЖОН САДИКЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ШАКЛЛАНИШИНИНГ
НАЗАРИЙ - ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Аскарлов Зоҳиджон Садикжанович

Ўзбекистон Республикасида миллий давлатчилик шаклланишининг
назарий-ҳуқуқий масалалари 3

Аскарлов Зоҳиджон Садикжанович

Теоретико-правовые вопросы формирования национальной
государственности Республики Узбекистан 25

Askarov Zokhidjon Sadikjanovich

Theoretical-legal issues of formation of national statehood of the
Republic of Uzbekistan 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУЮК ПЁТР НОМИДАГИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ
ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

АСКАРОВ ЗОХИДЖОН САДИКЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ШАКЛЛАНИШИНИНГ
НАЗАРИЙ - ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Буюк Пётр номидаги Санкт-Петербург политехника университети Гуманитар институтининг 19.03.2015 йил 6-сон баённомаси билан тасдиқланган.

Диссертация иши Буюк Пётр номидаги Санкт-Петербург политехника университети «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи» кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/content/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Снетков Виталий Николаевич
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович
юримдик фанлар доктори, профессор

Кудрявцев Игорь Владимирович
юримдик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «17» январь соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2018 йил «29» декабрь да тарқатилди.
(2018 йил «29» декабрь даги 7 рақамли реестр баённомаси).

О.Т.Ҳусанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

А.Э.Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юримдик фанлар номзоди, доцент

И.Т.Тулътеев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг барча мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ривожланиш жараёнида ўзига хос миллий давлатчилик шаклига эга бўлади ва уни муттасил тараққий эттириб боради. Муайян даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий хусусиятлари ҳар бир давлатнинг бошқарув шакли, ҳудудий тузилиши, сиёсий режими ва бошқа давлатчилик унсурлари мазмун-моҳияти ва вазифаларини белгилаб беради. Ушбу жараёнларни тадқиқ қилиш давлатчилик унсурлари моҳиятини англаш ва янада такомиллаштириш истиқболларини белгилашга хизмат қилиши туфайли долзарб аҳамият касб этади.

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида давлат ҳокимияти, унинг институтлари ва органларининг шакли, таркибий тузилишини, давлатчиликнинг ривожланиш тамойилларини тадқиқ этиш, умуман, давлатчиликнинг барқарор моделини яратишга доир бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишлар натижасида давлатчилик унсурлари фаолиятидаги камчилик ва муаммолар таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш йўллари аниқланмоқда. Ушбу тадқиқотлар хорижий давлатларда демократик ислоҳотлар ўтказиш стратегияларини ишлаб чиқиш, давлатчилик ривожланишининг жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш ва мамлакатнинг ҳуқуқий ривожланиш истиқболларини белгилаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда ўзбек миллий давлатчилигини ривожлантириш, яъни давлат ва жамият қурилишида, уларнинг ўзаро муносабатларини янгилашга оид бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонда¹ белгиланган устувор йўналишлар ва вазифалар миллий давлатчилигимиз унсурлари моҳиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг тизимли ривожланишига концептуал асос вазифасини ўтайди. Шу боис амалга оширилаётган ислоҳотлардан кутилаётган натижаларга эришиш миллий давлатчилик хусусиятлари, мазмуни ва таркибини мажмуавий таҳлил этиш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги (1993), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек миллий давлатчилигининг ривожланиши масалаларига бағишланган тадқиқот ишларининг таҳлили уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин деган хулосага олиб келди. Биринчи гуруҳ илмий изланишлар совет давлатчилиги даврида олиб борилган тадқиқотлар бўлиб, улар совет ҳокимиятининг давлат ва конституциявий тузуми нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда олиб борилган. Иккинчи гуруҳ илмий ишларни хорижий олимларнинг давлатга оид тушунчалар тизими, давлат механизми ва миллий давлатчиликнинг мазмун-моҳиятига оид тадқиқотлари ташкил этади².

Учинчи гуруҳга эса Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг олиб борилган ишлар ва тадқиқотлар киради. Ушбу тадқиқот ишларида Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, давлат ҳокимияти тизимини ислоҳ қилиш жараёни ва давлат механизмни янгилаш жараёнлари акс этган. Улар миллий давлатчилик масалаларига умумий ёндашувларни ўзида акс эттириб, ўзбек миллий давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини кўриб чиқишни мақсад қилмаган. А.А. Аъзамхўжаев, С.М. Адилходжаева, А.А. Азизхўжаев, Х.Б. Бобоев, Ш.И.Жалилов, З.М. Исломов, М.М.Мирҳамидов, З.М. Муқимов, Х.Т. Одилқориев, А.Х. Саидов, С.А. Султонов, У. Тожиханов, Ж. Тошқулов, А.Т.Тўлаганов, О.Т.Ҳусанов, Ш.З. Ўразаев³ ва бошқалар ўзбек давлатчилиги шаклланишининг маълум бир босқичлари назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилишган ҳамда давлатчилик ривожланишининг самарали йўналишларини таҳлил қилишган.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик эволюцияси масалалари тарих фани вакиллари Д.А.Алимова, Д.Х.Зияева, А.Зиё, Э.В.Ртвеладзе ва бошқалар томонидан ҳам чуқур тадқиқ этилган⁴. Жумладан, академик А.Асқаровнинг ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихига бағишланган фундаментал иши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Буюк Пётр номидаги Санкт-Петербург политехника университети Гуманитар институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий фанлар истиқболли инновацион тадқиқотларининг устувор йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2015-2018 йй.) доирасида бажарилган.

²Ушбу манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁴Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ўзбек миллий давлатчилигининг моҳияти, мазмуни ва янада ривожланиш истиқболларининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек миллий давлатчилиги ҳамда унинг эволюцияси ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ва назарияларга ёндашувларнинг таҳлили;

Темурийлар давлати ва Туркистон мухторияти мисолида ривожланган давлатчилик намуналарининг замонавий ўзбек миллий давлатчилиги ривожланишига таъсирини тадқиқ этиш;

миллий давлатчиликнинг асосий хусусиятлари ва мазмун-моҳиятини, «миллий давлатчилик» тушунчасини назарий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

миллий давлатчиликнинг ривожланиш асоси сифатида миллий мустақиллик таълимотининг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш;

давлат қурилиши жараёнида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалга оширилиш амалиётини таҳлил қилиш;

миллий давлатчиликнинг концептуал асосларини таҳлил қилиш, унинг ривожланиши ва такомиллашувига оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давлатчиликнинг таркибий қисми ҳисобланадиган давлат аппарати органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилигининг ташкил топиши, фаолияти ва ривожланиши жараёнида шаклланаётган, шунингдек, келажакда мамлакатнинг давлат ривожланиш тамойиллари ва стратегиясининг сифатини ўзида акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети давлатчиликнинг фаолият юритиш амалиёти ва механизми, унинг мазмун-моҳияти, ривожланишига оид юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар, ғоя ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг диалектик усули, таҳлил қилиш, умумлаштириш, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, мантикий, тарихий, тизимли-тузилмавий, тизимли-функционал таҳлил ҳамда формал-юридик ўрганиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида жамоатчилик асосида депутат вакили институтининг жорий этиш зарурати асослаб берилган;

давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойили талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари Кенгашларига белгиланган тартибда тегишли судлар раисларининг ахборот бериши жараёнида судьялар юритувида бўлган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш беришни талаб қилишни қонун нормалари билан таъқиқлаш зарурлиги асосланган;

жойларда давлат ва маҳаллий бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадида доимий асосда фаолият юритувчи халқ депутатлари Кенгаши

котибиятини ташкил қилиш ва ҳокимнинг вакиллик ҳокимияти билан боғлиқ ваколатларини котибиятга ўтказиш лозимлиги асосланган;

халқ депутатлари Кенгашларидаги сиёсий партиялар гуруҳларига туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига хулоса тақдим этиш ваколатини бериш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

«миллий давлатчилик», «миллий мустақиллик таълимоти» атамаларига муаллифлик таърифи берилган;

миллий мустақиллик таълимотининг замонавий ўзбек давлатчилиги ривожланишидаги роли ва аҳамияти очиб берилган;

миллий истиқлол мафкураси доирасида фикрлар хилма-хиллиги қарор топишига қулай шароит яратиш зарурати асослаб берилган ва бу борада бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

давлат бошқарув органлари таркибий тузилиши ва фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўзаро муносабатлари тизимини махсус қонун доирасида тартибга солиш зарурати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишининг хулосалари миллий давлатчиликнинг шаклланишига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий қонунчилик нормалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган маълумотлар расмий ва тан олинган манбалардан олингани; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида миллий давлатчилик ривожланишини тадқиқ қилишда, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи каби фанлар (курслари)ни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, маъруза ва амалий машғулотлар жараёнида, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлатнинг фаолият юритиш механизм ва элементлари, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ўзбек миллий давлатчилигининг кейинги ривожланиш истиқболларини белгилаб беришга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва уларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида миллий давлатчилик шаклланишининг назарий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштиришга бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида жамоатчилик асосида депутат вакили институтининг жорий этиш заруратига оид таклифи 2018 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси

2-қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 4 декабрдаги 06/1-05/904-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф янги ўзбек миллий давлатчилигининг асоси бўлган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойили талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари Кенгашларига белгиланган тартибда тегишли судлар раисларининг ахборот бериши жараёнида судьялар юритувида бўлган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш беришни талаб қилишни қонун нормалари билан тақиқлаш зарурлиги ҳақидаги таклиф 2018 йил 23 июлдаги «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиянинг 2018 йил 15 ноябрдаги 11-08/1714-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ҳокимиятлар бўлиниш тамойилининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда судларнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилган;

жойларда давлат ва маҳаллий бошқарувни самарали ташкил этиш, вакиллик ва ижроия органлари ваколатларини аниқлаштириш мақсадида доимий асосда фаолият юритувчи халқ депутатлари Кенгаши котибиятини ташкил қилишга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиянинг 2018 йил 15 ноябрдаги 11-08/1714-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф замонавий миллий давлатчиликнинг асоси бўлган давлат ҳокимияти органларининг жойлардаги вакиллик ва ижроия органлари ўзаро муносабатларининг шакл ва усуллари, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш учун асос бўлган;

халқ депутатлари Кенгашларидаги сиёсий партиялар гуруҳларига туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига хулоса тақдим этиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифдан 2018 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси 1-қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 4 декабрдаги 06/1-05/904-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролар ва халқ депутатлари Кенгашлари олдидаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Натижалар 10 та илмий-амалий, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика конференциялари, семинарлар ва давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та, жумладан ОАКнинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика нашрларида 2 та ва хорижий илмий журналларда 6 та илмий иш чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Ишнинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, ушбу боб замонавий Ўзбекистон ҳудудидаги айрим давлат тузилмаларининг эволюциясини тарихий ва ҳуқуқий жараён сифатида ўрганишга, ўзбек миллий давлатчилиги ривожланиши босқичларини ҳамда мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланишини таҳлил қилишга бағишланган. Тадқиқотда асосий эътибор Темурийлар, Туркистон Мухторияти, совет давлатчилиги ва янги мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ретроспектив таҳлил қилишга қаратилган. Мазкур боб уч параграфдан ташкил топган.

«Ҳозирги замон Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик эволюциясига методологик ёндашув» деб номланган биринчи параграфда давлатчилик генезиси ўрганилган, унинг хусусиятлари, мазмун-моҳияти очиб берилган, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган айрим давлатларнинг ўзбек миллий давлатчилиги ривожланишига таъсири таҳлил этилган. Мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш жараёнига таъсир қилган айрим давлат тузилмаларининг давлатчилигини таҳлил қилиш жараёнида муаллиф Амир Темур томонидан яратилган давлатнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган. Таҳлил асосида муаллиф ўзбек халқи тарихида темурийлар давлати миллий давлатчиликнинг уйғониши ва ривожланишининг чўққисига чиққан даври ҳисобланади деб таъкидлайди. Кўрсатилган давр ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганар экан, диссертант давлат бошқаруви органлари тизимига ва давлат хизматчиларига қўйиладиган талабларга баҳо беради. Бу ерда тадқиқот нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда

темурийлар давлатчилигининг кейинги ўзбек давлатчилиги ривожланиш жараёнига таъсирга оид масала муҳим методологик аҳамият касб этиши муаллиф томонидан таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг янги миллий давлатчилик тизимини шакллантиришда, давлат бошқарув органларини ташкил этишда темурийлар давлатининг бошқарув усулларида ўрнатилган ҳолда, темурийлар даврида мавжуд бўлган жойлардаги ҳокимлик институти жорий қилинганлиги алоҳида таъкидланган.

Давлатчилик ривожланишининг таҳлили асосида Чор Россияси Марказий Осиё ҳудудларини босиб олгандан сўнг давлатчилик институтларини бутунлай барбод қилмасдан, уларнинг айримларини сақлаб қолганлиги ҳам мазкур тадқиқотда диссертант томонидан қайд этилган. Тадқиқотда ҳудудларнинг босиб олиниши бу ерда мавжуд бўлган мамлакатлар миллий давлатчилигининг чекланишига ёки бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келганлиги таъкидланган. Умуман олганда, ўзбек миллий давлатчилигининг мустамлака даври салбий баҳоланади, чунки у суверенитетнинг чекланишига, айрим давлатчилик институтларининг йўқ бўлиб кетишига ёки шаклан ўзгартирилишига олиб келди.

Туркистон Мухториятини тадқиқ қила туриб муаллиф у ўша шароитда республика бошқарув шакли элементларига эга бўлган демократик давлатни ўзида намоён этгани, бу эса Марказий Осиё учун прогрессив ҳолат бўлганлигини таъкидлайди. Туркистон Мухториятининг давлатчилигига баҳо бера туриб муаллиф у ўша давр учун миллий давлатчилик фаолиятининг илғор, ўзига хос шакли эканини таъкидлаш лозим деган хулосага келади.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик раванқ топиш ва сўниш даврларини ўз ичига олган узок йўлни босиб ўтганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик эволюциясини ўрганиш унинг машаққатли, турли томонга ва қарама-қаршиликка йўналтирилганлиги, шу билан бирга, давлатчилик шаклланиши ва ривожланиши прогрессив жараён экани тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берди. Давлатчилик ривожланишининг таҳлили, ўзбек давлатчилиги ривожланиш жараёнининг тарихий узлуксизлиги, унинг асосий хусусиятлари бугунги кунгача сақланиб қолганлиги ва ривожлантирилганлигидан далолат беради.

«Ўзбек давлатчилигининг ривожланишида совет босқичининг хусусиятлари» деб номланган иккинчи параграфда диссертант СССР доирасида ўзбек миллий давлатчилигининг шаклланиш ва ривожланиш масалаларини таҳлил қилади. Муаллиф Марказий Осиё халқлари, шу билан бирга, ўзбек халқи совет миллий давлатчилигининг сунъий (марказдан бошқариладиган) тарзда шаклланишига Туркистон АССРнинг ташкил топиши туртки бўлди, деб таъкидлайди. Ўзбекистон ССР давлатчилиги - РСФСР таркибида фаолият юритган Туркистон АССР ва икки мустақил давлат – Хоразм ва Бухоро халқ совет республикалари негизида ташкил этилган.

1924 йилда Марказий Осиёда бўлиб ўтган миллий-давлат чегараланиш жараёнини таҳлил қила туриб муаллиф «ушбу жараён бу ерда яшаб турган маҳаллий аҳолининг хоҳиш ва манфаатларини инобатга олмаган ҳолда амалга оширилган» деган хулосага келади. Бироқ, шунингдек, иттифоқ республикаси

каби миллий давлатчилик шаклининг вужудга келиши, маълум бир даражада ўзбек халқи давлатчилигининг келгусидаги ривожланишига кўмаклашди. Илк бор ўзбек халқининг этнонимини ақс эттирувчи давлат номи, республика бошқарув шакли қонун даражасида мустақамлаб қўйилди. Шу билан бирга, диссертантнинг фикрича, бу жараён натижасида Марказий Осиё минтақасида бугунги кунгача ўз ечимини топмаган бир қатор муаммолар, жумладан, чегара низолари, ресурсларга эгаллик қилиш тўғрисидаги даъволар ва низолар ҳамон мавжуддир.

1927, 1937 ва 1978 йиллари қабул қилинган ЎзССР Конституцияларини ҳамда бошқа конституцион аҳамиятга эга меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида муаллиф улар ўзбек халқининг миллий давлатчилигига оид тамойил ва қоидаларни расмий жиҳатдан мустақамлаган, аммо амалда уни суверенитетдан маҳрум қилган, бироқ, шу билан бирга, янгиланган давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий замин яратган, бунинг натижасида эса 1991 йили янги миллий мустақиллик қайта ташкил топишига асос шаклланган деган хулосага келди.

Натижада ўзбек давлатчилиги совет даврининг ўзига хос таснифи қайд қилинмоқда: унда асосан салбий ҳолатлар кузатилган бўлиб, янги давлатчиликнинг моҳияти ва таснифи бир мазмунга эга эмас эди. Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг шаклланиш жараёнига Чор Россиясида, сўнг эса Совет Иттифоқида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар катта таъсир кўрсатганлиги ҳақида хулоса чиқарилди.

Диссертация муаллифи ҳокимият ваколатларининг чегараланганлиги, суверенитетнинг хўжакўрсинга мавжуд бўлишига қарамай, иттифоқ даврида давлатчиликнинг ривожланиши, ўзбек халқи давлатчилиги шаклланишининг изчиллигини ва узлуксизлигини кўрсатади деб ҳисоблайди. Иттифоқ даври миллий давлатчиликнинг янги қирралари шаклланиши жараёни шунингдек ўзбек халқининг ўзлигини сақлаш, унинг маданияти, анъаналари ва жамиятнинг этник хилма-хиллигини сақлаб қолиш жараёни билан тавсифланади. Ўтказилган таҳлил натижасида муаллиф ўзбек давлатчилиги ривожланишининг кўп асрлик тарихи, ўзбек давлатчилиги ривожланиш босқичларининг кескин фарқланишига қарамасдан, ўзбек миллий давлатчилиги ўзининг ягона ифодаси – ўзбек халқи билан бирлашган ўзининг негизини, бутунлигини сақлаб қолганидан далолат беришини алоҳида таъкидлайди.

Давлатчиликни нисбатан доимий воқелик, давлат сифатида шаклланган халқнинг ҳаёт фаолияти шакли сифатида кўриб чиқиб, диссертация муаллифи давлатчилик доимий ўзгаришларга, трансформация ва модификацияга учрашини таъкидлайди, негаки унинг шакллари, тузилиши, тартиби ва бошқа хусусиятларида доимий ўзгаришлар кузатилиб борилади. Муаллифнинг фикрича, ўзбек миллий давлатчилигининг эволюцияси, этник, сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзига хослиги, суверенитетнинг турли даражаси билан тавсифланадиган, советлардан олдинги давр миллий давлатчилиги, совет Ўзбекистони, ҳамда мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилигининг изчил ўзгаришини ўзида намоён қилади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи «*Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлатчилигининг ташкил топиши*» деб номланиб, унда янгиланган

давлатчиликнинг яратилиши, қайта тикланиши асосида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилиги эволюциясининг энг муҳим босқичи ўрганилади. Янги давлатчиликнинг шаклланиши жараёнини тадқиқ қилиш жараёнида муаллиф ушбу жараён эски давлат механизмини бузмасдан амалга оширилиши мумкин эмаслигини таъкидлайди ва Ўзбекистон «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма» тамойилига қатъий риоя қилганини алоҳида кўрсатиб ўтади. Бу советлардан кейинги бошқа мамлакатлар томонидан йўл қўйилган хатолар ва катаклизмлардан халос бўлишга имкон берди.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиш жараёнини баҳолаб, муаллиф мавжуд адабиётларда таъкидлаб ўтилган ёндашувлар асосида давлатчилик шаклланиши даврларининг тўрт босқичини таснифлайди. Шу билан бирга, муаллиф томонидан ҳар бир босқичда амалга ошириладиган аниқ ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чоралар батафсил кўриб чиқилган, давлатчиликнинг даврий ривожланиши бўйича асосий натижалар баён қилинган, конституцион ўзгартиришлар ва қабул қилинган қонунчилик далолатномаларининг моҳияти ва роли таҳлили этилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги давлатчилиги шаклланиши жараёнини таҳлил қилиб, муаллиф унинг қуйидаги қирраларини ажратади: а) изчиллик; б) мунтазам, кетма-кетлик асосида амалга ошириладиган давлат-ҳуқуқий ислохотларнинг тизимлилиги ва мажмуавийлиги; в) давлатчилик ўзгаришларининг қайтарилмаслиги, прогрессив давлат-ҳуқуқий институтлари ва моделларнинг ҳаётга татбиқ этилиши; г) давлатчилик прогрессив ривожланишининг умумтан олинган ютуқлари билан миллий жиҳатларнинг узвий боғлиқлиги; д) миллий давлатчиликда бутун жамият бирлиги ва бағрикенглигининг мужассамлиги.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида янги миллий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни 1990 йил март ойида собиқ Совет Республикалари орасида илк бор президентлик институтининг жорий қилиниши, «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик декларацияси»нинг 1990 йили 20 июнда қабул қилинишидан бошланади. 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, унинг давлатчилиги шаклланиши ўзида нафақат янги давлатчиликнинг шаклланишини, балки ўзбек халқининг бутун тарихи мобайнида мавжуд бўлган ва ривожланиб келган миллий давлатчиликнинг тикланишини намоён қилади. Бугунги кунда бу давлатчилик замонавий турдаги давлатчилик учун хос бўлган барча омилларга, яъни халқаро эътироф, суверенитет ва давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, давлат органлари тизими ва бошқаларга эгаллиги таъкидланади.

Ишнинг «**Ўзбекистон миллий давлатчилигининг назарий, ғоявий ва ташкилий асослари**» деб номланган иккинчи боби миллий давлатчиликнинг муҳим хусусиятларини таҳлил қилиш, унинг моҳияти ва тузилмасини ўрганиш, замонавий Ўзбекистон давлатчилигининг маънавий-мафкуравий асосларини кўриб чиқишга ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалга ошириш амалиётига бағишланган.

Биринчи параграф «*Миллий давлатчилик сиёсий-ҳуқуқий категория сифатида: моҳияти, тузилиши ва асосий омиллари*» деб номланиб, у «миллий давлатчилик» категориясининг назарий жиҳатларини ўрганишга бағишланган.

«Давлатчилик» категориясини ўрганишдан аввал диссертант «давлат» тушунчасини таҳлил қилади, натижада давлатнинг асосий вазифаси мустақил равишда, ўз суверенитети асосида жамият ишларини бошқаришни амалга оширишдан иборат деган хулосага келади. Унинг фикрига кўра, суверенитет давлатнинг зарур хусусияти ҳисобланади, унинг мазмун-моҳияти эса давлатнинг ўз бошқарув органларини мустақил шакллантириш, қонунчилик, давлат ҳокимиятининг фаолияти воситасида ўз иродасини амалга ошириш каби кучга эга бўлган давлатнинг имкониятларида намоён бўлади. Ушбу ёндашув асосида давлатчилик мамлакатнинг ўз суверенитетини таъминлаш бўйича ҳақиқий қобилиятини акс эттирадиган давлат (сиёсий) ҳокимиятининг ўзига хос хусусияти экани таъкидланади.

Кўриб чиқиладиган тушунчага нисбатан олимларнинг турли ёндашувлари ва фикрларини ўрганиб чиқиб, диссертация муаллифи «давлатчилик» категорияси жамиятнинг давлат сифатида шаклланишининг сифатли хусусиятини, давлатнинг функционал томонини аниқлатади, деган хулосага келади. Унинг фикрича, «давлатчилик» тушунчаси «давлат» тушунчасининг ҳосиласи бўлиб, у давлат органлари тизимини ва унинг фаолият кўрсатиш ҳолатини аниқлатади. Бу – жамият ҳаётий фаолиятида давлат тимсолининг намоён бўлишидир. Давлатчилик тушунчаси давлатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, маънавий, маърифий ва бошқа кўрсаткичларини таснифлайдиган жамият тузилишининг жиҳатларини ҳамда давлат ҳокимиятининг моҳиятини, давлатнинг маълум бир макон ва замонда фаолият кўрсатишини, унинг ижтимоий-сиёсий тизими ва қурилиши ривожланишининг тарихий параметрларини ўз ичига олади.

Диссертация ишида тадқиқ қилинатёган тушунчанинг муаллифлик таърифи таклиф қилинган: миллий давлатчилик – халқ иродасини намоён қиладиган ва бутун жамият манфаатларига хизмат қиладиган, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ва қафолатлайдиган, халқнинг миллий менталитетини, анъаналарини, одатларини, миллий онгини акс эттирадиган, объектив шаклланган, маълум тарзда уюшган жамият-давлат тизими, бу маълум ҳудудда фаолият кўрсатаётган ва мамлакат бошқарувини таъминлайдиган жамият, давлат ва ҳуқуқнинг аниқ давлат-ҳуқуқий ҳолатидир (аниқ тарихий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа омиллар билан асосланган).

Иккинчи бобнинг «*Миллий мустақиллик таълимоти Ўзбекистонда замонавий давлатчилик ривожланишининг асоси сифатида*» деб номланган иккинчи параграфида муаллиф давлатчиликнинг маънавий-мафкуравий асосларини кўриб чиққан. Диссертантнинг фикрича, ҳар бир халқ жамиятга бўлган муносабатини, унинг қарашларини, эҳтиёж ва манфаатларини, мақсад ва интилишларини акс эттирадиган ғоялар, қадриятлар ва қарашлари тизимининг тарқатувчиси сифатида ўзини намоён қилади. Халқнинг ўз-ўзини ташкил этиши, ўз давлатчилигини шакллантириш жараёни, мустақиллик таълимотига, яъни давлатчилик асосларини белгилайдиган ғоялар, қадриятлар, тамойиллар

ва меъёрлар йиғиндисига таянади. Ўз органларини, ҳуқуқ тизимини шакллантириб, жамият ҳаёти фаолиятининг қоидаларини белгилаб, кўрсатилган ғоялар ва кадриятларга давлатнинг ўзи ҳам мўлжал олган.

Бинобарин, миллий мустақиллик таълимоти ўзида аниқ ёндашувни, яъни ғоялар, тамойиллар ва кадриятларнинг яхлит, мантиқий, тизимлаштирилган йиғиндисини намоён қилади, уларнинг ёрдамида халқ давлатда ўзини ташкил этишнинг мақсад ва вазифаларини акс эттиради, давлатчилик ва бошқа оммавий институтларни шакллантиради, давлат тузилишини аниқлайди. Бошқача қилиб айтганда, бу таълимот давлатнинг ташкил этилиши, фаолияти ва ривожланиши, унинг суверенитетини, самарали фаолиятини таъминлаш, мамлакат тинчлиги ва равнақи учун шароитларни яратишнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Диссертация муаллифи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасини таҳлил қилади. Унда қуйидагилар ёзилган: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас». Диссертантнинг фикрига кўра, жамиятнинг барча аъзолари умумий манфаатларининг жамланган ифодаси бўлган, яъни миллий кадриятлар ва манфаатларни акс эттирадиган асосий ғоялар ва кадриятларнинг муайян тўплами мавжуд. Бундай асос сифатида миллий мустақиллик таълимоти иштирок этади. Шу билан бирга, у фуқаролик жамиятининг мафкуралар хилма-хиллиги тамойили билан мувофиқдир, чунки мамлакатнинг яхлитлиги ва мустақиллигини сақлаган ҳолда, жамият ва давлат мавжудлигининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, муаллиф соғлом фуқаролик жамиятида умуммиллий мафкура билан ғоялар ва мафкураларнинг хилма-хиллиги жамиятнинг аксарият аъзолари томонидан тасдиқланган (ёки, ҳеч бўлмаса, тан олинган) ҳолда бирга мавжуд бўлиши ва бунинг асосида давлат томонидан умуммиллий аҳамиятга эга даражага кўтарилиши мумкин деб ҳисоблайди.

Диссертантнинг таъкидлашича, миллий мустақиллик таълимоти, нафақат давлат, балки халқнинг маънавий суверенитети моҳиятини намоён этади. У ўзбек халқининг маънавий-маданий анъаналаридан келиб чиқади, тарихан синалган кадриятлар тизимига асосланади, уни бирлаштирадиган анъаналар ва идеалларни англашга имкон яратади.

Ўзбекистон миллий мустақиллик таълимотининг моҳияти ва ролига салбий муносабатда бўлган қатор мутахассислар қарашларини таҳлил қилиб, диссертант уларни танқид қилади ва мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиши жараёнида айнан ушбу мафкура жамиятга янги давлатчиликни, унинг интеграция ва барқарорлигини барпо этишда ёрдам берган, янги давлатнинг ўз ўрнини топишига ва ўз-ўзини тенглаштиришга имкон яратди, янги давлатчиликнинг тизим ҳосил қилувчи омили бўлиб хизмат қилди деган хулоса чиқаради.

Хулоса қилиб, муаллиф Ўзбекистон миллий давлатчилигининг негизи ва асоси бўлиб миллий итиқлол ғояси, ватанпарварлик, халқ манфаатларининг бирлигини англаш, унинг тарихий ўтмишига ҳурмат, мамлакат ривожланишининг олий мақсадлари ҳисобланади, деб таъкидлайди.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «Давлатчилик ва Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалга ошириш амалиёти» деб номланиб, унда муаллиф миллий давлатчиликни давлат ва жамиятнинг тизим ҳосил қилувчи хусусиятлар йиғиндиси сифатида кўриб чиқиб, миллий давлатчилик институтларини шакллантириш, давлат тузилишининг асосий тамойили сифатида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ўрганади.

Диссертант давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги ваколатларнинг ўзгариши ва қайта тақсимланишини, ҳамда шунга доир қонунчиликнинг такомиллаштирилишини батафсил таҳлил қилади. Давлатчиликнинг ташкилий тузилмаси, давлат ҳокимияти тармоқларининг ўзаро алоқаси ва мувофиқлаштирилган фаолияти модели ўрганилди.

Ўзбекистоннинг давлат қурилиши амалиёти, ҳокимиятларни ажратиш тамойилига асосланган давлат ҳокимият органларининг самарали тизимини шакллантиришнинг назарий ва амалий муаммолари таҳлил қилинди. Давлат ҳокимияти тармоқларининг шаклланиши ва фаолиятида, бир томондан, нисбий ташкилий мустақиллик, бошқа томондан эса бутунлик ва тизимлилик билан таъминлашда уларнинг оптимал мувофиқлигини топиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда ўрнатилган «чекловлар ва қарама-қаршиликлар» тизимини ўрганиб ва бу ерда бир хил қолипнинг мавжуд эмаслигини таъкидлаб, диссертация муаллифи, бу ерда ҳокимиятни ташкил этиш, ваколатларни тақсимлаш, чекловлар ва қарама-қаршиликлар механизмларини қўлланилиши, аниқ сиёсий-ҳуқуқий шароитлар ва давлатчилик шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланадиган маълум ўзига хосликка эга деган хулосага келади.

Давлат ҳокимияти тармоқларининг ўзаро таъсири мазмуни, тамойиллари, тузилиши, шартлари ва шакллари кўриб чиқилди. Давлатчиликнинг муваффақиятли фаолияти учун конституцион-ҳуқуқий асосда бир бутунга – давлат бошлиғи ҳуқуқий мақоми билан бирлашган, ўзаро таъсир қиладиган, тузилмавий ва функционал жиҳатдан уч ҳокимият тармоқларига бўлинган, ташкилий бирлик билан таснифланадиган, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг тизимига уюшган, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро таъсир қилиш масалалари муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади. Мазкур ўзаро таъсирни муаллиф умумдавлат мақсадларига эришиш ва белгиланган вазифаларни бажариш жараёнида амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий ўзаро муносабатлар, жараёнлар ва ваколатлар тизими сифатида тақдим этади.

Ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий моделини таҳлил қилиб, муаллиф шуни таъкидлайдики, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти анъанавий ҳокимият тармоқларининг ҳеч бирига кирмайди, у уч ҳокимият тармоқларига нисбатан мувофиқлаштириш функциясини бажаради, уларнинг келишилган фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Давлат бошлиғининг ушбу функцияси унинг уч ҳокимият тармоқларидан алоҳида туриши, лекин ҳеч бирига кирмаслиги ва уларнинг ҳеч бирига раҳбарлик қилмаслигидан иборатдир. Президент мақомининг бундай ўзгариши

давлат бошлиғи ва ҳукумат раҳбари лавозимларининг бирлашишига йўл қўймаслик, уларни ҳокимият тизимида ажратиш, Президентнинг қатор ваколатларини қисқартириш ва бошқа ҳокимият органларига ўтказиш кабиислоҳотлар натижаси бўлганлиги таъкидлаб ўтилади.

Бу жараён муаллиф томонидан давлатчилик ривожланишининг табиий тенденцияси сифатида кўриб чиқилди, унинг натижасида уч ҳокимият тармоқларининг ваколатлари тенглигини таъминлайдиган, чекловлар ва қарама-қаршилиқлар мувозанатлаштирилган тизим яратилади. Муаллиф томонидан ҳамкорлик асосида давлат ҳокимияти функцияларини биргаликда амалга ошириш, ҳокимиятнинг барча тармоқлари органлари ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилган, мувозанатлаштирилган ҳаракатлар йиғиндиси сифатида аниқланадиган тушунча киритилди.

Учинчи боб **«Ўзбек давлатчилиги ривожланишининг асосий тамойиллари ва истиқболлари»**га бағишланган. Ушбу бобда давлатчиликнинг келажакдаги ривожланишини, ҳуқуқий давлатни шакллантириш бўйича мавжуд эҳтиёжларни ва давлатчиликни ривожлантириш бўйича қонунчилик асосларини такомиллаштиришни инобатга олган ҳолда зарур ўзгартиришларни киритишга оид таклиф ва тавсиялар ўрин олган.

Учинчи бобнинг *«Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликни шакллантиришининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари»* деб номланган биринчи параграфда диссертант томонидан замонавий Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Миллий давлатчилик тизимида ҳуқуқий давлат феноменининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш, замонавий Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий бўлмаслиги мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашни асослашга ҳаракат қилинди.

Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим омили бўлиб давлат ҳокимиятини амалга ошириш чегараларини ҳуқуқ билан чеклаш, унинг шаклланиш ва фаолиятини қаттиқ ҳуқуқий тартибга солиш ҳисобланишини таъкидлаб, муаллиф ўзбек давлатчилиги ривожланишининг мақсадли, дастурли мўлжали сифатида ҳуқуқий демократик давлат куришни белгилайди. Шу билан бирга, у Конституциянинг мақсадли кўрсатмаси билан реал ҳақиқат ўртасида маълум узилиш мавжудлигини тан олади, чунки ҳеч бир давлат ҳақиқий амалиётни Асосий қонуннинг меъёрий мустаҳкамланган ғояларига тўлиқ амалий мувофиқ келишини таъминлай олмайди. Кўрсатилган мақсадга интилиш муҳимдир.

Ҳуқуқий давлатчилик прогрессив демократик жамиятни куриш, мамлакатнинг муваффақиятли ижтимоий ривожланишининг потенциал ресурси, воситаси бўлиб иштирок этади. Диссертант таъкидлашicha, Ўзбекистоннинг ижтимоий онгида ҳуқуқий давлатни шакллантириш аҳамияти ва заруратини тушуниш илдизлашган, ҳуқуқий давлат фаолият юритиши учун институционал, ташкилий заминлар ва механизмлар яратилган.

Замонавий демократик ҳуқуқий давлатчилик фаол фуқаролик жамиятисиз бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб, Ўзбекистонда бугунги кунда давлатчиликнинг, ҳуқуқий давлатнинг фаолияти бундай жамиятни шакллантириш билан боғланган жараённи ҳам намоён қилиши муаллиф томонидан тасдиқлаб ўтилади.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнининг эҳтиёжларини аниқлаш учун диссертант бугунги кунда Ўзбекистон қандай босқичда эканини аниқлашга ҳаракат қилади. Кўрсатилган жараённинг асл ҳолатини аниқлаш ҳуқуқий давлат шаклланишига таъсир қиладиган ҳам объектив, ҳам субъектив омилларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Ҳукуматнинг аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотини шакллантирган ўзбек давлатчилиги ислоҳотининг белгисига айланган янгиланиш жараёнини ўрганиб, диссертация муаллифи, замонавий ҳуқуқий давлат давлатчиликнинг бир қисми сифатида намоён бўлади, унда фуқаролик жамияти ва давлат институтлари бирлашади, фуқаролик жамияти билан ўзаро таъсир қиладиган давлат институтлари эса жамиятга хизмат қилиш воситасига айланган ҳолда қайта шаклланади деган хулосага келади.

Параграфга яқун ясаб, муаллиф ҳуқуқий давлатчилик қуйида келтирилган омиллар билан таснифланадиган воқеликни намоён қилишини таъкидлайди: а) давлатнинг ҳуқуқий тамойиллари ва меъёрлари билан боғлиқ, уларга бўйсунди, ҳуқуқ билан чегараланган доиралар билан ўзини чеклайди; б) давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти таъминланади; в) шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилиш ва сақлаш, жамиятда ҳуқуқий тартиб ва барқарорлик таъминланади; г) аста-секинлик билан кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш амалга оширилади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида «*Ўзбек давлатчилиги кейинги ривожланишининг стратегияси ва ўзига хос хусусиятлари*» ўз аксини топган. Ўзбекистон миллий давлатчилигининг кейинги стратегик ривожланишининг дастлабки шартлари ва омиллари тадқиқ этилди. Стратегия давлат ва жамиятнинг умумий ривожланиш йўналишини аниқлайди, мамлакат келажаги, раънақининг ҳуқуқий параметрларини таъминлайди. Баён қилинганларни ҳисобга олиб, ўзбек давлатчилигининг инновацион қайта шаклланиш ва янгиланиш парадигмасига асосланган, мамлакатнинг ривожланиш стратегияси таҳлил қилинган.

Диссертацияда давлатнинг ривожланиш йўллари ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида қабул қилинган ва мамлакатни янада барқарор ва илғор ривожлантириш учун тубдан янги ғоялар ва тамойилларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш учун кўрсатмаларни ўз ичига олган, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»⁵ деб номланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилди. Шу билан бирга, давлатнинг инновацион ривожланиш стратегияси, давлат ва жамият бошқаруви тизимини ўзгартирмай туриб амалга оширилиши мумкин эмаслиги диссертант томонидан таъкидлаб ўтилади. Белгиланган чоралар давлатни демократик институтлаштириш, бошқарувнинг янги демократик усуллари жалб қилиш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

Давлатчиликнинг шаклланиши ва ҳолатига таъсир қиладиган омиллар ўрганилди, уларга давлатчилик, унинг вазифалари ва функцияларининг шаклланиши ва ривожланиши шартлари, бу давлатчиликнинг тизим ҳосил

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармониға қаранг.

қилувчи омилларини шакллантирадиган шароитлар киради. Давлатчилик ривожланишининг омилларидан бири сифатида парламентаризм институтининг пайдо бўлиши ва такомиллаштирилиши кўриб чиқилган.

Давлат бошқарувини такомиллаштириш муаммоларини кўриб чиқиб, муаллиф марказий бошқарув органларининг – вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа идораларнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқий мақоми аниқ ифодаланмаганини кўрсатиб ўтади. «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси»да қўйилган давлат бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш вазифаларини ҳисобга олиб, энг муҳим йўналиш сифатида кўрсатилган органларни ҳосил қилиш ва бекор қилиш бўйича аниқ мезонлар ва жараёнларни жорий қилиш белгиланган. Вазирликлар ва бошқа марказий бошқарув органларининг мақомини, вазифа ва функцияларини аниқ белгилаб, давлат бошқарув органлари тизимини тармоқлаштириш тўғрисидаги масалани принципиал ҳал қилиб, давлат бошқарув органлари томонидан бажариладиган вазифаларнинг чегаравий ва ўзига хос мезонларини аниқ белгилаб, давлат бошқарув органлари тузилмасини оптималлаштириш, бунинг учун эса «Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви органлари тизими тўғрисида»ги қонунни ҳам ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф қилинди.

Муаллифнинг фикрига кўра, амалга оширилаётган ислохотлар давлат инжинирингининг ўзига хос шакли бўлиб ҳисобланади, унда давлат аппарати маълум трансформацияни бошдан кечиради, бу эса давлатчилик хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Диссертация муаллифи, стратегия жамият ва давлатни қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг дастурий ҳужжати сифатида давлат инжиниринги воситасидир деб ҳисоблайди.

Ўтказилган таҳлил асосида демократик тамойиллар ва қадриятлар асосида Ўзбекистон мамлакат модернизациясини амалга оширмақда, бунинг негизида халқаро миқёсда тан олинган ривожланишнинг «ўзбек модели» ётиши муаллиф томонидан қайд қилинади. Давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишнинг асоси бўлиб Маъмурий ислохотлар концепцияси хизмат қилмоқдаки, унинг ёрдамида давлат аппаратининг фаолиятини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилиб, унинг амалга оширилиши давлат бошқарув тизимини оптималлаштириш вазифасини комплек асосда, яхлит жараён кўринишида, барча элементлари ва даражаларини қамраб олган ҳолда ҳал қилиш учун ноёб имкониятни очиб беради.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси давлатчилигини шакллантиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш давлатчилик ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий-амалий хулосаларни, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

Давлатчилик назариясининг концептуал асослари таҳлили бўйича хулосалар ҳамда уларни ривожлантириш юзасидан тавсиялар:

